

Нажмиддин Гуломович НИЗАМЕТДИНОВ,
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш UNESCO” кафедраси доценти,
ф.ф.д

РАЖА ЙОГА ВА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ МУШТАРАК ЖИҲАТЛАРИ

COMMON ASPECTS OF RAJA YOGA AND SUFISM

ОБЩИЕ АСПЕКТЫ РАДЖА- ЙОГИ И СУФИЗМА

Аннотация: Мақолада ража йога ва тасаввуф тарихи ҳақида маълумот берилган. Йога ва тасаввуфнинг ривожланиши, улар доирасида шаклланган йўналиш ва мактаблар таҳлил қилинган. Ража йога ва тасаввуфнинг инсон руҳияти ва тафаккурига таъсир этувчи ғоялари қиёсий очиб берилган. Ғарб ва Шарқ илмий тадқиқотлари асосида йога ҳамда тасаввуф ўртасидаги муштарак ришталар баён этилган.

Таянч сўзлар: “майя”, нафс, “Санкхя”, “Жўгасутра”, “Амратакунда”, неоплатонизм, “Аштанга йога”.

Аннотация: В статье приводятся сведения о раджа-йоге и суфизме. Проанализировано развитие йоги и суфизма, направления и школы, сформировавшиеся в их рамках. Дается сравнительное объяснение идей раджа-йоги и суфизма, влияющих на человеческую психику и мышление. На основе западных и восточных научных исследований описана общая связь между йогой и суфизмом.

Ключевые слова: “майя”, нафс, “Санкхя”, “йогасутра”, “Амратакунда”, неоплатонизм, Аштанга-йога.

Abstract: The article provides information on the history of raja yoga and Sufism. The development of yoga and Sufism, the directions and schools formed within them are analyzed. The ideas of raja yoga and Sufism affecting the human psyche and thinking are comparatively revealed. The common aspects between yoga and mysticism have been described based on scientific research from the West and the East.

Key words: “maya” – “magic” – “illusion”, nafs, “Sangha”, “Yoga-Sūtra”, “Amratakunda”, neoplatonism, “Ashtanga yoga”.

Даврий нуқтаи назардан йога ва тасаввуф таълимотлари ўзаро тахминан бир ярим минг

йилдан зиёд вақт оралиғида фарклансада, лекин улар диний ва дунёвий маънода фақат инсонни бир мақсадга яъни, ўз аслига етакловчи руҳий поклик, ақлий такомиллик ва жисмоний бақувватликка хизмат қилади.

Бу таълимотларда мақсад бир бўлгани каби, уларнинг йўлидаги учрайди-ган тўсик ва қаршиликлар ҳам деярли бир хил эканлиги кўринади. Яъни, майли у йог ёки солиқ бўлсин, ўз эътиқод кўрсатмаларига виждон назорати остида амал қилгани билан, унинг онги моддий тана талабларига бўйсунушга мажбурловчи гуноҳлар манбаи «майя» ёки мусулмонлар таърифидаги “шайтони лаин” таъсирига тушиб қолиш хавфидан ҳимояланмаган. Руҳан, ақлан ва жисмонан мукамал яратилган одамзоддаги бундай ночорлик ундаги кишини ўзига кул қилувчи нафс балоси асоратидан. Бандаси айна шу гумроҳлик боис ўз Яратганидан йироқлашиб, эътиқод ва инсоний бурч масъулиятини йўкотади.

Йога фалсафасида инсоннинг онг назоратидан ташқари чиқишига имкон яратувчи факторлар қатор объектив сабаблар билан белгиланган. Ана шулардан энг кучли ва таъсирлиси, киши хоҳлайдими йўқми, уни доим ўзига маҳлиё этувчи – домига тортувчи ва узлуксиз синовлардан ўтказиб турувчи табиат ва ҳаётда сон-саноксиз учрайдиган «оҳанрабола»дир. Куйи «гун – си-фат»лар тузоғига илинганлар чексиз хоҳиш ва истаклар тўрига ўралиб, ўз ҳиссиётларини қандай бўлмасин қондириш учун нопок йўлларга йўрғалайдилар. Шунда кимки ўз эҳтиросларидан ғолиб чиқиб, эҳтиёж чегарасидан чиқмаса, у ҳеч қачон хору зор ва одамлар нафратига дучор бўлмайди [1:108].

Исломда «нафс Парвардигорнинг қаҳр мазҳаридир, ҳамиша унинг таваж-жуҳи ҳақиқий саодатга етишдан маҳрум қолишга сабаб бўладиган нарсадир. Унинг изтироблари бу оламдаги насибаларга етишишдан бошқача эмас. Та-моми «ҳикмати» эса, пастлик тарафига (таназзул) боришдан иборат. Иблисининг замин тарафга майл қилиши сабабини мана шу ердан фаҳмлаш мумкин» [2:58].

Нафсиламр, исломда нафс масаласида тирик жонзотлар уч тоифага бўли-нади: ақл берилган малаклар, нафс берилган ҳайвонлар ва ақл ҳамда нафс бе-рилган инсонлар. Уч тоифа ичида инсон ақл ёки нафсга ружу қилишига қараб юксалади ёки ҳайвондан-да тубанлашади [3:89].

Инсоний шуурнинг «майя» ёки «шайтони лаин» исканжасига тушиши ва шу сабаб имоннинг заифлашувини ҳиндлар кишининг ўз ички имкониятларини билмаслигидан кўради. Ҳолбуки, одам боласига берилган теран тафаккур ҳамда сабр-тоқат заҳираси доим нафс ҳамласига бакор келишга қодир воси-тадир, агар унинг ўзи шуни истаб, ихтиёр этса! Сабаб, бу хусусда ҳар бир диний эътиқодда инсоннинг руҳий-ахлоқий комиллик даргоҳига қадам қўйиши учун имкон эшиклари катта очиб қўйилган. Шунинг учун, қуйида, инсондаги имкон ва ихтиёр ўртасидаги нохуш тафовутга барҳам берувчи йога таълимоти босқичларини тасаввуф мақомоти билан солиштириб, йог ва солиқнинг руҳий, маънавий, жисмоний покланиши ва тобланиши жараёнига ҳос томонларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Бунда, гарчи таҳлил қиёсий кечсада, баъзи жиҳатларда ҳар икки таълимотдаги бири иккинчисини қайтармайдиган нукталарга ҳам имкон даражасида аҳамият бериб борамиз. Мақсад, ягона манзилга қадам қўйган йог ёки солиқнинг онгига йўғрилган ўз миллий хусусиятларини истисно этмаган ҳолда, уларнинг маънавий юксалишига ишонч ҳосил қилиш, қолаверса, қиёсий таҳлил тамойилининг моҳияти ҳам шунда!

Аввалда алоҳида ҳулуси дилдан шуни тан олиш керакки, ушбу диний таълимотларни қиёсий ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш фикри бизнинг ташаббус эмас. Бу жаҳадаги тадқиқотга бўлган қизиқиш ва интилишнинг ибтидоси, илк бор Берунийнинг шижоати билан Санкхя” ва «Жўгасутра» манбала-рининг араб тилига таржима қилинишидан бошланган эди.

Аммо эндиги савол, диншуносликда принципиал характерга эга бўлган ниҳоят нозик ва мураккабларидан, яъни:

«Тасаввуфнинг йога билан муштарак айрим фалсафий ва амалий жиҳатла-ри, аслида мустақил исломий тафаккур ҳосиласими ё бу қисман ҳинд таълимоти таъсири ёхуд шунчаки тасодифми?»

Мабодо саволга узоқ мозийдан жавоб изласак, кўрамизки, юнону ҳинд ва шунингдек, исломий фалсафадаги у ёки бу ўхшаш ва умумий томонлар доимо илм аҳлини қизиқтириб келган. Шахсан «Беруний юнонлар фалсафасини эгаллаб, ҳинд фалсафасини муталаа қилмоқ учун санскритни ўрганган. Сўнг, юнон ва ҳинд фалсафасини бир-бирига

солиштириб, улардаги умумийликни кўргач жуда ажабланган» [4:246-247]. Шу сингари турли жуғрофий кенгликлардаги фалсафий тафаккурларга ҳос қиёсий ва нисбий ўхшашлик ёки умумийлик ҳолатларига қизиқиш, ишонч билан айтиш мумкинки, ҳали ҳамон ўз кучида. Шу боис юқоридаги саволга жавоб беришдан илгари, мавзуга таал-луқли яна иккинчи «бир-бирига зид қутблар»ни бир муаммо мисолида эътиборга ҳавола қилмоқчимиз, токи фикр-мулоҳаза фақат субъектив муносабат чегарасида чекланмасин.

Ғарб олими К.В.Эрнстнинг «Муҳаммад Ғхавтх талқинида сўфизм ва йога» номли мақо-ласида икки таълимот ўртасидаги назарий ва амалий яқинлик-нинг қандай юзага келганлиги сабабини қуйидаги савол асосидан излаган, яъни: «Тасаввуф ва йога таълимотларининг ўзаро алоқалари нимадан иборат?»

Мусулмонларнинг қарийб минг йил Ҳиндистонда яшаган даврларидаги исломий мистицизм шарқшуносликда махсус тадқиқот даражасига кўтарил-ди. Кейин шу асосда сўфизмнинг оригинал хусусиятларини христиан монотицизми, буддизм ёки йога таълимотларидан излашга тушилди...

Лекин мен сўфизм матнларидан йога унсурларини узоқ изладим ва маълум бўлдики, сўфийларнинг муайян қисми йога тажрибасидан хабардор бўлганлар. Бинобарин, мусулмон дунёсида машҳур бўлган биринчи ҳинд манбаи «Амратакунда» эди...

Сўфийлар «Амратакунда»ни жуда яхши билганлар, ундаги зикр ва нафас машқлари билан қизиқиб, медитация услубини ўз тажрибалари билан ўхшашлигини қайд этганлар. Муҳаммад Ғхавтх бу асарининг арабий нусхасини форсийга таржима қилган ва мазкур таржима ҳақидаги ижобий муносабатлар орасида салбий фикрлар ҳам бўлган».

К.В.Эрнст мақоласида сўфийларнинг нафас назорати ва медитация сингари машқларда йоглар тажрибасидан фойдаланганликларини қайд қилган. Гарчи олим бу ҳақда конкрет параллеллар келтирмаган бўлса-да, эҳтимол, у нақшбандия сулукининг «ҳибси нафас», «муруқаба» ёки ҳинд сўфийлари учун одат бўлган баъзи йога машқлари унсурларини назарда тутган бўлса керак. Бу билан биз мутлақо ҳинд сўфийларининг йога таълимотига қизиқ-қанликлари ва маълум даражада уни ўзлаштирган бўлишлари мумкинлигини рад этмоқчи эмасмиз. Аммо бизнингча, тадқиқотчи

томонидан тасаввуф таълимотининг мустақил тафаккури ва тажрибаси мавзуига якун ясалиши ҳам мантиққа зиддек. Чунки ҳали фанда мусулмон мистикаси тадқиқоти учун ечилиши керак бўлган муаммолар етарли, масалан: сўфий матнларни тушунишдаги кийинчиликлар, уларга хос дунёкарашларга бағишланган тадқиқотларда учраб турадиган ўзаро қарама-қарши мунозаралар ва бошқалар. Яна шунингдек, ушбу масалаларни ҳал қилиш йўлидаги ғов – бу «Тасаввуф адабиётининг таълимот тарихи билан доим ҳам мос тушавермаслиги.

Хуллас, юқоридаги ҳар икки зикр қилминган мураккаблик ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, образли қилиб айтганда, «уларнинг бири гўё гулхандан отилган учкун бўлса, иккинчиси, гоҳо худди шу гулханнынг учкун чиқармай ёнишини эслатади» [5:261].

Д.С.Тримингем эса, ўзининг изланишларида ҳар икки таълимот тўғрисида К.В.Эрнстга нисбатан тасаввуфдаги айрим исломий факторларга кўпроқ эътибор берган:

«Амратакунда» ўз вақтида ҳинд сўфий жамоалари орасида маълум бўлган. Йоганинг айрим усуллари Шаттария сулуки жамоасида қўлланган. Шу тариқа талай тариқат сулуклари турли пантеистик таълимотлар билан омикталашиб, уларда йоглар тажрибасидан аскетизм, вегетарианлик ва бошқалар ўзлашган. Аммо мусулмон мистицизмининг синкретик, деб бўлмади, негаки, сўфизмда руҳий такомилликка эришишда ўзга услублардан фойдаланилган бўлса-да, уларнинг ҳаммаси муайян ўзгаришларга юз тутиб, соф мусулмон йўналишига бўйсундирилган» [6:117].

Яна бошқа бир Ғарб тасаввуфшуноси Т.Бухарда мусулмон мистицизмнинг соф ҳолатда исломнинг ўзига тааллуқли эканлигини таъкидлаб, тасаввуфнинг ўз илдизлар ҳақидаги ҳулосасини қатъият билан изоҳлаган:

«Шарқшунослар суфизмнинг келиб чиқишини ўз хайрихоҳликлари туфайли ҳинд, неоплатон ва христиан манбаларига тегишли, деб белгилайдилар. Суфизмнинг исломдан вужудга келганлигини тасдиқловчи аргументлари, унинг ўзида яширинган, бордию, сўфийлик ақл-заковати исломдан ташқари манбадан бўлганида, бу қадар унинг ҳақиқати ҳақида бот-бот Қуръони ка-римга мурожаат қилинмаган бўлурди» [7:90].

Нихоят рус шарқшуноси Е.Э.Бертельснинг тасаввуфни айрим мутахассислар томонидан

турли таълимотлар конгламирати – қотишмаси эканлигига яқин ҳулосаларига қарата билдирган нуқта назари диққат-эътиборга арзигулик:

«Европа тадқиқотчилари «фано»ни буддизмнинг нирванаси даражасига кўтаришга ҳаракат қилганлар, аммо бундай бўлиши мумкинлиги гумон, чунки мазкур давр сўфий мутафаккирларининг ҳинд фалсафий таълимотлари тўғрисида аниқ-тиник тасаввурга эга бўлганликларини ҳамон исботлаб беришнинг имкони бўлмаётибди...

Сўфийлар ўзлари ҳам бу ҳақда ақалли бирор сўз демаганлар. Демак, суфизмнинг фанога келган йўлининг буддизм билан ҳеч қандай умумийлик ери йўқ. Агар бу ерда «ўзлаштириш» хусусида гап боргудек бўлса, суфизм, биз юқорида танишганимиздек, фанога қисман неоплатонизм назариясидан фойдаланган ҳолда ўзи мустақил равишда келган бўлиши керак» [8:32].

Ғарб тадқиқотчиларининг, албатта, биринчи галда ўз менталитетлари замирида тасаввуф тарихи, назарияси ва амалиётига мансуб тажриба ҳамда услублар тўғрисида қилган баҳсли таҳлилларидан шуни тушундикки, улар сўфийлар феноменини ё нисбатан мустақил ёки ҳар қалай «қотишма» маҳсули сифатида баҳолаганлар.

Агар ушбу масала хусусида мусулмон диншунослари муносабатига ёндашсак, масалан «Абулфазл қаламига мансуб «Ойини Акбарий» асарининг учинчи жилдида, муаллиф ҳиндуизм асосларига тўхталиб, динлар ўртасидаги ўзаро муҳолифат руҳиятини бир чеккага қўйиб, ҳинд эътиқодини сўфийлар фалсафаси билан қиёслаб ўрганишга қақирган.

Сўфийларни ҳинд ҳаётининг деярли жами жабҳалари билан қизиққанликлари ҳамда уларнинг диний ва миллий қадриятларга умуминсоний маънавият манбалари сифатида қараганликларига яна жуда кўплаб тарихий, маърифий ва ижтимоий характердаги мисолларни келтириш мумкин.

Қиссадан ҳисса, тариқат аҳлининг ҳинд жамияти ҳаёти хусусиятларидан бохабар бўлганликлари ва уларнинг маҳаллий диний фалсафага нисбатан ижобий ёндашувлари қай асосда вужудга келганлиги аён бўлгач, биз йога ва тасаввуф тўғрисидаги қиёсий таҳлилимизни давом эттириб, ниҳоят уларнинг амалиёти баёнига ўтамыз.

Академик Бертельснинг «фанонинг буддизм нирванаси даражасига кўтарилиши

ва сўфийларнинг ҳинд таълимотлари бўйича тасаввури» ҳақидаги фикри, ўз даври ва шароити информатикаси учун балки тўғри эди. Лекин ўтган давр ичида замона зайли билан илмий маълумотларнинг жуғрофий ҳудудларини кенгайтиши туфайли узоқ ва яқин ўтмиш маълумотларига янгиликлар кириб келди. Шу маънода, сўфий мутафаккирларнинг йога борасида-ги тасаввури ва тажрибасига ҳам.

Бир қатор Ғарб ва Шарқ илмий-тадқиқий таҳлилларида кўрганимиздек, йога ҳамда тасаввуф ўртасидаги мавжуд муштарак ришталар, асосан, «ўзлашма»нинг «ўзлаштирувчи»га кўрсатган таъсири билан «ўлчанган». Бу услубда, диний таълимотларни қиёсий ўрганишнинг ухровий мантиғи қолиб, кўпроқ уларнинг дунёвий мазмунига урғу тушмоқда. Ҳолбуки, илми ғайб оламига бошловчи йўллар турли, манзил эса бир. Манзил ҳамма учун бир бўлганидан кейин мақсад ва унга интилиш мантиғи ҳам бирдир. Бу йўллар таҳлилида муҳими, «бирликдаги турфалик» ва «турфаликдаги бирлик» тамо-йилини унутмаслик!

Бас шундай экан, йога ва тасаввуфдаги назарий ё амалий ўхшашликларни ўрганишнинг бош тамойили – бу уларга йўғрилган илоҳий ҳақиқатнинг ба-мисоли қуёш нури каби барчага баробар ёруғлик манбаи эканлигини аниқ мисолларда далиллашдан иборат бўлиши керак. Зеро, ушбу тамойилнинг энг синашта омили бўлган йог ва соликнинг маънавий-маърифий камолотга эри-шув жараёнида юз бурувчи турли руҳий ўзгаришлар динамикаси, «Аштанга йога» ва тасаввуф мақомотларининг қиёсий таҳлили воситасида янада ойдинлашади. Бунинг яхлит тимсолини қуйидаги йога ва тасаввуф мақомотининг амалий таҳлили натижасида кузатиш мумкин:

1. «Яма-Тавба»

Йогнинг ўз нафсини махв этиб, асл руҳий покликка қайтишига ҳозирлиги, бамисоли солик учун муқаддам йўл қўйилган хатолар истиғфори йўлида қўйилган биринчи қадам. Йог ва солик ушбу имтиҳон ибтидосидан бошлаб, ўз аҳду қарорини бир вақтнинг ўзида икки йўналишда татбиқ этади: ботинда ва зоҳирда. Ботин билан боғлиқ жиҳат – бу моддий манфаат ва ҳою хавасларга қарши ҳулуси дилдан курашга киришиш. Аҳднинг зоҳирий моҳияти эса, дину диёнатда ман қилинган ахлоқий қусурлар ва жами гуноҳли ишлардан халос бўлишга интилиш. Биринчи босқичдаги

«яма» ёки «тавба» мақоми, йог ва соликнинг сийрати ва суратини Худога ҳуш келмайдиган ҳаёл ҳамда амаллар одатидан ҳимоялайди.

2. «Нияма-Варъа»

Йогнинг фақат шаръий амалларни бажа-ришга ўтиб, сабр-қаноат борасида юксалиши, бамисоли соликнинг ўз тавбаси аҳдига бўлган садоқатининг синови. Йог ва солик ўз табиатидаги мавжуд турмуш иллатлари, хавф-хатар ва васвасалар туйғусига муқобил руҳий устуворликни Тангридан тилаб, бири ўз қалбини ҳинд учун муқаддас бўлган «Ом», иккинчиси эса, илоҳий зикр би-лан мустаҳкамлайди.

3. «Асана-Зухд»

Йогнинг махсус машқлар ёрдамида жисмоний тобланиш орқали руҳини моддийликка мутеликдан озод қилиши, мантиқан, бамисоли соликнинг моддий ва ҳиссий парҳезда дунёвий ҳузур-халоватлардан воз кечиш жараёни. Тангри тажаллийсидан умидвор йог ва солик, бу босқич ва мақомда ўзларида уйғонган покиза руҳий сифатлар шарофати боис, дунё матосидан кўнгил узиб, парҳездаги чекланишлардан мутлақо афсусланмай, шаҳвоний тазйиқларга дош бериб покдомон яшайди.

4. «Пранаяма - Ҳуш дар қадам»

Йогнинг нафасни онгли равишда бошқариб, уни бир маромга тушириши ва юриш-туришда ўзгаларга нисбатан беозорликка эришиши, бамисоли соликнинг нафасни тегишли маром билан бошқариб, «бир нафасдан иккинчисига ўтишнинг ғофиллик юзасидан бўлмаслилигига амал қилиши [9:16]. Бунда шунингдек, нафасни олиш ва чиқаришнинг муайян ритмга тушири-лиши ҳамда уни маълум муддатга тўхтатишга эришиш услуги, деярли ҳар икки таълимот учун ҳам умумий.

5. «Пратяхара-Назар бар қадам»

Йогнинг киши ҳис-туйғуларини ўзига жалб қилувчи жозибатор нарсалардан сақланиши ва тийилиши, бамисоли соликнинг назари доим оёқ панжаларининг устида бўлиши, яъни назари сочилмай кераксиз – ножоиз жойларга тушмаслиги.

6. «Дарана-Муроқаба»

Йогнинг онг ва эътиборни бир ерга жамлаши ва уни исталган мақсад томон – Тангри тажаллийсига йўналтира олиш қобилияти, бамисоли соликнинг ўз фикрини бир нуктага жамлаб, Худо ёдида ҳамма нарсани унутиб, қалбу шуур мушоҳадасига ғарқ бўлиш онлари [10:71]

7. «Дхияна-Ражо»

Йогнинг ўз мақсадига етиш йўлидаги порлаши ёки мунавварликка муяссарлик умиди, бамисоли солиқ қалбининг маҳбуб – Тангри васлига етиш йўлидаги умидворлиги. Йог ва солиқнинг умидворлик ҳолатига чеккан риёзатлари ҳам деярли бир хил кечади.

8. «Смадха-Ризо»

Йогнинг транс ҳолатида ғайблик оламига хос хотиржамлик ҳиссини туйиши – унинг Кришна онгига кириши, бамисоли солиқнинг «нафс ризосидан чиқиб, Ҳақ ризолигига кириши».

Юқоридаги қиёсий баёнимизга илова сифатида яна шуни эслатиб қўймоқчимизки, Абдуҳолик Ғиждувоний ҳазратлари жорий этган умдаларга ҳазрат Баҳодуддин Нақшбанд томонидан қўшилган «Вуқуфи замоний», «Вуқуфи ададий», «Вуқуфи қалбий» тамойиллари ҳам йога таълимотининг бошқа йў-налишларида мавжуд.

Дарвоқе, «Бҳагавад-гита»даги йога таълимотининг қайсики йўналиши бўлмасин, у – ақлийми, жисмонийми ё руҳийми, барибир охир оқибатда уларнинг ҳар бири диққат-эътиборни жамлаш, уни имкон қадар бошқариш ва албатта унинг натижасидан фойдаланиш билан якунланади.

Мажозан олганда, гўё исталган масаллиҳ бор ерда ундан тегишли тажрибасиз доим ҳам лаззатли таом тайёрлаш мумкин бўлавермаганидек, йога ёки тасаввуф тамойилларида ҳам фақат муайян ҳозирлик ва муттасил машқлар тажрибаси муваффақият гаровидир.

Тўғри, бу машаққатли йўлда гоҳо йог ва солиқнинг холис Тангри ихтиёри билан дафъатан руҳан илоҳий марҳаматларга ноил бўлиш ҳолатлари ҳам мустасно эмас. Бироқ шунда ҳам, ўз аҳдига содиқ йог ё солиқ умидворлиги, фақат унинг амалиёти ва оқибати билан бардавом. Чунки муқаддам илоҳий муқофотга муяссар йог ва солиқнинг мақсаддан манзилгача бўлган йўллар ўртасида қолиб кетиши мумкинлиги ҳам манбаларида огоҳлантирилган.

Баёндан аён бўлган бўлса, медитация ёки муқоаба жараёни, руҳий ҳамда жисмоний покликдан ташқари, доимий изланиш ва шуғулланиш шарти билан кимдадир тез ва кимдадир узоқ муддатда натижа бериши мумкин. Бунда йог ҳам, солиқ ҳам, аввало, яратилишидан ўз юрагига хос бир хусусиятни онгли равишда ҳисобга олмоғи керак. «Зеро, Ҳақ

субҳонаху ва таоло дилни шундай яратганки, у ҳеч қачон бирор нарсага боғлиқсиз турмайди. (Фа-қат) унинг бошқа нарсага боғлиқлиги тамом бўлгач, энди унинг боғлиқ-лиги Ҳаққа бўлади. Унинг сўзлаши, эшитиши ва кўриши бошқа нарсалардан узилади» [11:34].

Одатда йог ва солиқ медитация ҳолатига кирганларида уларнинг ботинида кечадиган туйғулар уммонини ташқаридан ҳис қилиш тугул, ҳатто тасаввур ҳам этиш қийин. Бу шу маънодаки, башарти инсонларнинг ақлан, руҳан ва умуман, табиатан бир-бирларидан қисман ёки кескин фарқ қилишларини инобатга олинса! Медитацияга тегишли илмий ва фалсафий таърифлар фақат умумий тушунча ҳосил қилиш учунгина етарли, чунки бу жараёндаги индивидуал кечинмалар ҳеч бир таъриф доирасига сиғмайди. Шундай бўлса-да, мазкур ҳолат хусусидаги баъзи тўпланган тажриба асосида ражйог ва солиқнинг ҳиссиётлари оламига қисқача саёҳат қилиб, улар руҳиятидаги ўзгаришлар билан танишамиз.

Масалан, ражйог медитацияга киришдан олдин икки қоши ўртасининг ортидан ўз «Мен»и – руҳини топиб, унда ақлан ўзлашиб, сўнг очик ҳолатдаги кўзларини бирор ёруғ нуқтага қадаб Тангри тажаллийси тафаккурига берилади. У шунда – узоқ ёки қисқа бир муддат ичида ўзлигини – аъзои баданини унутиб, руҳий олам билан юзлашишга ўтади. Ражйог бу ҳолатга шунингдек, Гуру тасвирига тикилиб ёхуд унинг ҳаёлдаги тасаввури билан ҳам ноил бўлади.

Тасаввуфда «муқоабадан асосий мақсад, ҳаётга йўғрилиш орқали унинг сирларини очиш – ҳақиқатни англаб етиш. Сўфийлар бу жараёнда Пайғамбар, муқаддас зотлар ёки пири муршид сиймоси тасаввуридан фойдаланадилар».

Муқоясадан маълум бўлдики, ражйог ва солиқнинг медитация, яъни муқоаба услуби, воситаси, мақсад манзили, айрим хосликларни айтмаса, деярли бир хил.

Мазкур маълумотларни тўпланган теран тафаккур учун, йога ва тасаввуфнинг сўнгги манзили, яъни йогнинг «Кришна онги»га, солиқнинг эса «Тангри ризолиги»га кириши, бир воқеликнинг икки тарафдан кўриниши. Зотан, ғайб илмининг нозил этилишида «замон ва макон» тушунчаси нисбийликдан бошқа гап эмас, чунки бу соҳада, мисоллардан амин бўлганимиздек, тақдирда йўқ нарсанинг тадбир билан амалга оширилиши амри маҳол.

Мухтасар баёндан сўнг, ўйлаймизки, ниҳоят йогадаги нирвана ва тасаввуфдаги

фано ҳақида имкон қадар маълумот беришга, фикримизча, навбат етди.

Йогада нирвана – сўниш, руҳнинг маънан моддий дунёдан ажралиши ва унинг ўз Аслига қайтиши, яъни унинг транс – ғайблик ҳолатидаги комил ҳиссиётлар олами узра поклик ва чексиз бахтиёрлик оғушида сузиши. Баъзан ҳиндлар, нирванага муяссар ражйогнинг моддий дунёда яшаб туриб ғайблар оламига сафарини бамисоли окмас халқоб сувда униб чиқиб, ўзига гард юқтирмай гулловчи нилуфарнинг поклигига киёслайдилар.

Тасаввуфга келсак, унда фанога мазмунан бир, лекин шаклан хилма-хил таърифлар берилган. Улардан бири «Бандасининг Худо тарафига сайри, у ўзлигидан кечиб, Худо билан танишади. Шундан эътиборан, гўёки ҳақиқий ҳаётга қадам қўйилади, фоний ранжу машаққатлар тугаб, боқийлик саодати бошланади. Нафсу ҳирслардан тозаланган юракда ишқий эҳтирослар жўшади».

Фано мақомининг таърифу тавсифи жуда узун, бу ҳолатнинг ҳис қилиниши ҳам инсоннинг табиати турфа бўлганлиги каби турлича. Ушбу ҳолат баёни бўйича билдирилган хулосалар ичида биз учун энг тушунарли ва ҳақиқийси ҳазрат Навоийнинг куйидаги мисралари:

Дединг: «Фано недир? Мухтасар дейин: «Ўлмак»,

Ки шарҳин тиласанг, юз рисола бўлғусидир» [12:27]

Баъзи манбалардан маълумки, сўфийлар орасида ҳақиқатдан ҳам йоглар тажрибаси билан амалда қизиққан, уни маҳсус ўрганган зотлар ўтган. Шу жумладан, сўфийларнинг йогларга бўлган ижобий муносабати ёки улар билан мулоқотда бўлиб, суҳбатлар қилганликлари тўғрисидаги маълумотларни ҳинд тасаввуфи тарихидан жуда кўплаб топиш мумкин, масалан:

«Кунларнинг бирида ҳазрат Низомиддин Авлиё руҳоний машқлар билан машғул эканликларида хонақоҳга йог кириб келибди. Шунда Хожа йогдан сўрабдилар:

– Сиз қайси йўлдасиз, таълимотингиз мақсади ва тажрибангиз ҳосила-си нимадан иборат?

Йог дебди:

– Биз инсонда икки йўналиш борлигини ўргандик. Бири, тананинг юқори қисмида, иккинчиси пасткисида. Юқориси бошдан киндиккача, пасткиси эса киндикдан оёқкача.

Агар юқори қисм поклик, ҳақиқат ва самимият билан бошқарилса, киши албатта яхши натижага эришади, чунки, бунда пастки

қисм ҳам «ўз юқориси»га яраша хизматда фаолият кўрсатади...»

Бордию, яна йог ва солиқ тафаккуридаги «ўзлашма» ва «ўзлаштирувчи» масаласига қайтиб, шу хусусда мавжуд хулосаларга юзлансак, ҳинд олими А.Субхоннинг сўзларича: «Сўфизмнинг ҳинд тафаккуридан маълум даражада таъсирланганини ҳеч ким инкор қилмайди, аммо тасаввуф таълимотига ташқаридан кириб келган унсурларни аниқлашга тушганимизда, албатта, уларга нисбатан эътирозларга ҳам дуч келишимиз муқаррар».

Бу хулоса, мантиқан, мавзунинг таҳлили ҳамон очик эканлигига шубҳасиз бир ишора!

Фикримизча, йога ва тасаввуф тафаккурининг умумий ва айри хусусиятларига, яхшиси, умуминсоний маънавий қадриятлар сифатида ёндашиб, улар ўртасидаги мавжуд муштаракликни эса, инсониятга нима янгилик берганлиги нуқтаи назаридан ўрганилгани маъқул. Бинобарин, ража йога ва тасаввуф таълимотларининг айрим ўзаро ўхшаш ё яқин диний-дунёвий хулосалари, ҳозирги мавзу тадқиқотларидаги мавжуд турли назарий баҳслардан фарқли ўлароқ, кўпчиликни қизиқтириши мумкин бўлган ўз ақлий, руҳий ва тако-милликка доир амалиёти билан қимматли.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бхагавад-гита. Изд. Бхактиведанта Бук. Траст. Бомбей 1984.
2. Хожап Убайдуллоҳ Ахрор. (Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасан, Бах-риддин Умрзоқ, Ҳамидулла Амин. Т. Адолат шашриёти. 2004.
3. Ислом тасаввуфи манбалари. Т. Ўқитувчи нашриёти – матбаа уйи. 2004.
4. Дж.Неру. Открытия Индии. М. Изд. Вост. Лит. 1955.
5. Light M. Sufism – Religion in the Viddlr East V-1 Cjmbriге 1969.
6. Триминген Дж. Суфийские ордена в Исламе. М.Наука. 1989.
7. Кныш Ф.Д. Некоторые проблемы изучения суфизма. М.Наука. 1984.
8. Бертельс. Е.Э. Избранные труды (суфизм и суфийская литература). М.Наука. 1965.
9. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. Т. Абдулла Қодирий нашриёти. 2002.
10. Азиджанова С. Государство Бабура в Кабуле и в Индии. (автор. дисс. док. ист. наук). Т. 1969.
11. Хожап Убайдуллоҳ Ахрор. (Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасан, Бах-риддин Умрзоқ, Ҳамидулла Амин. Т. Адолат шашриёти. 2004.
12. Аҳмад Яссавий. Ҳимкматлар. (Сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи И.Ҳаққулов). Гофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991.